




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 94 (8.984)

1997 йил

15 август, жума

Сотувда эркин нархда



Ўзбекистон Мустақиллигининг олтинчи йиллиги олдидан



Ҳаво флотини кўнига
ПОЧИНЛАР
ПАРВОЗДА

Энг замонавий самолётлар — «Боинг»лар, «RJ-85» ҳаво кемалари ва бошқа русумдаги самолётлар парвоз қилмоқда. Миллий авиакомпаниямиз жаҳондаги жуда кўп-лаб мамлакатдаги ҳамкасблари билан ақиндан алоқа ўрнатган.

Республикамиз авиаторлари ўзларининг касб байрамлари — Ўзбекистон Республикасининг ҳаво флотини кўнига нишонлаш атрафига турибдилар. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво флотини кўнига белгилаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ ҳар йили август ойининг учинчи яшанбасида авиаторларимиз ўз байрамларини нишонлашлари яхши анъанага айланган.

Ўзбекистон ҳаво

йўллари» миллий авиакомпанияси дунёнинг барча минтақаларидан ишбилармонлар, тижоратчилар, саёхатчи йўловчилар қатори, халқ ҳўжалик ва тижорат юкларини ташвиш билан ўзаро иқтисодий алоқаларини таъминлашдек ўз олдига қўйилган вазифани шараф билан адо этмоқда. Авиаторларимиз Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллигини ва ўзларининг анъанавий касб байрамларини ёруғ юз билан кутиб оломоқдалар. Ҳозирги пайтда пойтахтимиз аэропортидан дунёнинг турли бурчакларига


Тошкент аэропортида туну кун ҳаёт қайнайдми. Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясининг самолётлари дунёнинг турли бурчакларига йўловчиларни олиб парвоз қилади. Ўз навбатида жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларидан Тошкент аэропортига самолётлар қатнови тўхтайди.

Биз «Оқшом» муштарийларига Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлар саройи янги пассажир кемаси билан тўлганлиги, 85 ўринли оқ-мовий рангга бўялган «RJ-85» ҳа-



во кемалари аҳолига хизмат кўрсатиши ҳақида илгари хабар берган эдик. Мана шу кунларда ушбу самолёт аҳоли узоғини яқин қилиб, уларни кўзлаган манзилларига етказиб қўймоқда. Ушбу самолёт сардон Артур Раҳмонов (чапдаги сурат) жамоада юксак касб маҳорати билан ҳурмат ва эътибор қозонган ўқувчилардан биридир. У ўзининг касб байрамини муносиб кутиб оломоқда. «Тошкент — Ургенч» йўналиши бўйлаб ўтказилган «RJ-85» русумидаги бу самолёт салони шинамлиги ва йўлов-

чилар учун қулайлиги билан ажралиб туради. Салон куза-



тувчиси Марина Сулаймонова (ўнгдаги сурат) ҳар бир йўловчи билан ширин муомалада бўлади. Унинг хизматидан мамнун бўлаётганлар кўпчилики ташкилот эдилар.

Ҳа, Тошкент аэропортидан ҳар кун пастдаги суратда тасвирланганидек қудратли ҳаво кемалари турли манзиллар томон парвоз қилади. Республика-миз авиаторлари уларни моҳирлик билан бошқариб элга сидқидилдан хизмат кўрсатишдек шарафли ва масъулиятли вазифани муваффақиятли уйдаламоқдалар.

Сайд БОТИРОВ.
Рустам Шарипов
олган суратлар.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИККА АСОС СОЛИНДИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, «Камолот», «Маҳалла» жамғармаларининг Тошкент шаҳар бўлимлари билан санъат музейи ўртасида ижодий шартнома имзоланди. Шаҳар жамоатчилиги вакиллари, зиёлилар иштирокида ўтган ушбу тadbирга йиғилганлар музейдаги маънавий-маданий бойликларимизнинг бебаҳо намуналари билан танишдилар, «Гавҳар» ва «Камал» фольклор-этнографик дасталарининг чиқишларидан бир олам завқ олдилар.

Биз шартномани имзолаган мутасаддилар билан суҳбатлашиб, улардан ижодий шартноманинг моҳияти, келгусидаги режалар ҳусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

◆ Насиба ИБРОХИМОВА, Ўзбекистон Давлат санъат музейининг директори:

— Ҳамкорликда ишлашдан асосий мақсадимиз йўловчиларимиз илгари сурган юзларни биргаликда ҳаётга тadbик этиш. Ёшларимиз, талабалар, уйда фарзандлини тарбиялаётган аёлларимизнинг умумий маданий савиялари, мушохадалари, дунёқарашлари ошса, миллий қадриятларимизга муҳаббат уйғотсақ деймиз. Чунинчи, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ёрдамида маҳаллалар аҳлини маданият масканимизга жалб этмоқчимиз. «Маънавият ва маърифат» маркази олимларининг музейда

номалар тузиб фольклор дасталаримиз, осори-атикаларимизни чет элларда намойиш этмоқчимиз. Хуллас, режаларимиз улкан.

◆ Хожиакбар БАХТИЕРОВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимнинг раиси:

— Албатта, пойтахтдаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш юзасидан шартномани имзоланган улкан мақсадларни кўзда тутганимиз. Хусусан, Республика Президентини Ислоҳ Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга тadbик этиш, халқимизнинг маданий-маърифий даражасини кўтариш, маҳаллаларимиз ҳаётига маданият, маърифатни янада чуқурроқ киритиш мақсадида ҳамкорликка фао-



қизикarli маърузалар билан чиқишларини ташкил қилмоқчимиз. «Қайтарма» меросларимиз кўргазмаларини уюштирмақчимиз. Бу вилконтларимиз сандиқларида ётган нобб жўзларимиз, осори-атикаларимизни харид қилиб яна халқнинг ўзига қайтариб бермоқчимиз. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, «Ўзбектуризм» билан шарт-

лият кўрсатамиз. Шаҳримиз маҳаллаларидаги замонавий гузарларга санъат музейидан кўча кўргазмалар ташкил этиб, аҳолини тарихий, маданий меросимиз, миллий қадриятларимизга ош-но этиш, ҳар хил маърузаларда қизиқarli маърузалар уюштириш шулар жумласидандир.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАТИШЛАРИ

республика Ижтимоий фикр жамоатчилиги марказида шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат тузилмалари ва жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, социолог олимлар иштирок этидилар.

Давра суҳбатда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг устувор йўналишлари, жамия-

тимизда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий ва маънавий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ва уларнинг ижтимоий фикрга таъсири, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг тахриба ва муаммолари ҳусусида манфаатдорлик билан гап борди.

Республика Ижтимоий фикр жамоатчилиги маркази директори Акмал Саидов ушбу мавзу бўйича муҳокамаларга якун ясади.

лишарди. Биз бригадир Сергей Пакни суҳбатга қорладик. — Даставвал «Тахтапўл» даҳасида бориш ҳудди шундай тўрт қаватли уйлари қуриб, топишларинида ишларини ахши томонга ўзгартиришдан қувондик. Бу галги қуриётган уйларики мўддатидан илгари тўлиқ фойдаланишга топширдик. Хондон эгалари Мустақиллик байрами кунларида уй уйлариини ҳам национлайдилар. Мана ахшда қувончи кунларининг гувоҳи бўлаётганимиздан хурсандим.

Буюртмани вақтида бажариш бўғунги қурувчилар олдида асосий бурч саналади. Шунинг хисобига олган ҳолда тикловчиларимиздан ман ахшда қувончи кунларининг гувоҳи бўлаётганимиздан хурсандим.

Буюртмани вақтида бажариш бўғунги қурувчилар олдида асосий бурч саналади. Шунинг хисобига олган ҳолда тикловчиларимиздан ман ахшда қувончи кунларининг гувоҳи бўлаётганимиздан хурсандим.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Вазирлар Маҳкамаси «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

● Сурхондарё вилоятида плёнка остида парвариш қилинган пахта теримиги киришилди. Бу йил вилоятда 18 минг гектар майдонда пахта плёнка остида етиштирилди.

● Молия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида Президент Ислоҳ Каримовнинг 29 июлда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетининг бажарилиши муҳокамалаштирилди.

● Марказий банк Тошкент шаҳрида жойлашган «ХИФ-банк» ва «Туркистон» хусусий очик акциядорлик-тижорат банкларига банк операцияларини амалга ошириш учун лицензиялар берди ҳамда уларни тегишли тартибда тижорат банклари рўйхатга олиш давлат китобига киритди.

● Кеча пойтахтнинг «Туркистон» саройида Ўзбекистон кўшик байрамнинг якуновчи босқичи бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда турли вазирликларда ўтказилган танловлар ғолиблари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

● Давлат матбуот қўмитасининг ёш ижодкорларнинг янги китобларини ҳомийлик асосида чоп этиш тўғрисидаги қарори асосида Фафур Фулом номлидаги адабиёт ва санъат, «Ёзувчи», «Чўлпон» нашриётларида 33 ёш адабнинг китоблари босмадан чиқди.

ЖАҲОНДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси Эркин Воҳидов бошчилигидаги делегация аъзолари Жакартага келди. Ўзбекистон парламент делегацияси Индонезия мустақиллигининг 52 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этади, бу мамлакат парламенти, вазирлиқ ва идоралари раҳбарлари билан учрашади.

● Тожикистондаги вазият ҳамон беқарор бўлиб турибди. Маълумки Президент Имомали Раҳмонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ёшкор полковник Маҳмуд Худойбердиевни тез ҳаракат қилувчи алоҳида бригада қўмондонлигидан бўшатган ва 30 ёшли подполковник Шерали Мирзоёвни бригаданинг янги қўмондони этиб тайинлаган эди. Аммо Қўрғонтепага келган ҳукумат комиссияси аъзолари Маҳмуд Худойбердиев ҳарбий қисмида бўлиб, унинг аскарларини қуролсизлантиришга журъат этмади. Кеча ҳукумат комиссияси аъзоларининг бир қисми Қўрғонтепадан Душанбеге қайтиб кетди. Президент Имомали Раҳмоновнинг 16 августда қурол-яроғларни топириш тўғрисидаги фармони ҳам ҳозирча амалга ошмай турибди.

● Грузия билан Абхазия ўртасида ҳарбий моҳжаро бошланган 1991 йилдан буюн илк бор Абхазия президенти Владислав Ардзинба кеча Тбилисига келди. Бу ерда у Россия ташқи ишлар вазирини Евгений Примаков воситачилигида 12 соат давомда Грузия Президентини Эдуард Шеварднадзе билан музокаралар олиб борди. Бугун ушбу музокаралар давом этади. Тбилисидан илк бор грузин-абхаз моҳжароси талафотлари маълум қилинди. Расмий маълумотларга қўра, қуролли тўқнашувларда Грузия томони 12 минг, Абхазия эса 3500 аскар ва зобитини қўрбон қилган. Тинч аҳоли ўртасидаги қурбонлар бунга қирмайдми. Ана шу моҳжаро туфайли аввал Абхазияда яшаган, асосан грузин миллигата мансуб 300 минг киши қочоққа айланди.

● Ингушистон билан Шимолий Осетия ўртасидаги муносабат яна кескинлашиб кетди. Кеча Владикавказда ишдан қайтаётган ходимлар бўлган автобус гранатомёт ва автоматлардан ўққа тутилди. Бунинг оқибатида бир ишчи ҳалок бўлди, икки киши оғир жароҳатланди. Бу ерда сўнгги уч ҳафта давомида ана шундай еттига фожиали ҳодиса рўй берди.

● Россия жамоатчилиги телевидениеси ходимларининг Литвадан Белоруссияга ноқонуний ўтиши моҳжароси муносабати билан Президент Александр Лукашенко мамлакат чегараларидаги ахвол билан шахсан ўзи танишишга қарор қилди. Бир неча кун илгари пора олишда айбланиб, чегарадаги 17 нафар божхона хизматчиси ҳибсга олинган эди. Бугун Александр Лукашенко Белоруссиянинг Польша билан чегарасидаги ахвол билан танишади.

● АҚШ Афғонистоннинг Вашингтондаги элчихонасини вақтинча берkitиб қўйишга қарор қилди. Бунга элчихона бир қисми ходимларининг Бурхониддин Раббоний ҳукумати, бошқаларининг толиблар тарафдори эканлиги сабаб бўлди. Ана шундай қарама-қаршилик вазиятида АҚШ маъмурларининг фикрича, элчихонанинг нормал фаолият кўрсатиши мушкулдир.

● Афғонистон президенти Бурхониддин Раббоний ҳукуматида бир қатор ўзгаришлар қилинди. Мамлакат шимолий ўз назорати остида ушлаб турган генерал Абдул Малик ташқи ишлар вазирини лавозимини эгаллади. Ҳукуматта Абдурахим Фойур Зои бошчилик қилмоқда.

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Финляндияга келди.

● Бугун Хиндистон халқи миллий байрам — Мустақиллик кунининг 50 йиллигини кенг нишонлапти.

СПОРТ

Шунингдек, республика «Камолот» жамғармасининг раиси Х. Абдураимов, профессионал бокс федерацияси раиси Уринобосари Р. Раҳимовлар ҳам матбуот конференциясида бу борадаги қилинаётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтилди.

17 августда А. Дин ва А. Қодиоров ҳаби тажрибали мураббийлар етакчилигида Р. Шомирзаев, Ф. Арслонов, М. Жинибеовлардан иборат профессионал боксчиларимиз рингга тушишди.

Дилшод ИСМОИЛ.

«МАҲАЛЛА КУНИ»ГА МАРҲАМАТ!

ЭРТАГА пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номили маданият ва истироҳат боғида «Маҳалла кўни» тadbирлари ўтказилади. Маълумки, Тошкент шаҳар ҳокими Қосим Тулагановнинг қарори билан август ойида мамлакатимиз пойтахтида «Маҳалла кўни»ни ўтказиш белгилаб қўйилган эди. Шаҳримиздаги ҳар бир туман маҳалла кўмиталари ушбу тadbирга пухта тараддул билан келдиладар.

Шундай қилиб эртага эрталабдан бошлаб ушбу сўлим гўша тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари билан яна гавжум бўлади. Бу ерда уларнинг мириқиб хордик чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилди. Шу кўни «Намунали маҳалла», «Намунали маҳалла оқ-соқоли» ва «Намунали хотин-қизлар кенгаши раисаси» учун қуриқ-танловлари ўтказилади, уларнинг ғолиблари эълон қилинади ҳамда тақ-

дирланади. Бокс ташриф буюрганлар «Энг намунали маҳалла тadbиркор аёли» — қуриқ-танлов ғолибларини эълон қилиш ва уларни тақдирлаш тadbирининг ҳам гувоҳи бўлишади.

Соат 11 дан эса боғ бўйлаб сайил бошланади. Унда таниқли санъаткорлар ва бадий ҳаваскорлик жамоалари маҳалла фаоллари учун қизикarli концерт дастурини намойиш этадилар. Бу ерда турли спорт уйинлари, спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари бўлади. Савдо ходимлари ва ошпазлар сайил қатнашчилари хизматида бўлишади.

Хуллас, Инсон манфаатлари йилида ўтказиладиган Тошкент шаҳар анъанавий «Маҳалла кўни» тadbирининг ҳар бир киши ёдида сақланиб қолиши учун барча тараддул ишлари қуриб қўйилган.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган «Маҳалла кўни»га марҳамат, азизлар!

«ҚАЙТАРМА» МАВЗЕСИДАГИ УЙЛАР

1- ва 2-ўзғартирилган қўрилиш бўшқармалари. Чилонзор туманидаги «Қайтарма» мавзесида қад ростлабган 25 та уй қурилишида самарали меҳнат қилишди. Уларнинг мақсади — йил охиригача бу уйлари ўз эгаларига топшириш.

Қурувчилар мавзеддаги 6- ва 13-уйни мўддатидан илгари фойдаланишга топширишнинг ният қилган эдилар. Шунинг учун бу қурилишда бўлган кўнига иш вақтида эди, Кетма-кет қалаётган «ЗИЛ» машиналарида бетонлар, гиштар ва темир-бетон махсулотлари ортқилган. Қурилиш материалларининг таъминоти ўз вақтида бажарилаётганилиги учун ҳам иш жадал бораёт-

ганлиги сезилиб турибди. — Тошўйғойжамғармабанк томонидан берилган буюртма асосида ишчи олиб бораётганимиздан биз қурувчилар ҳам мамнунимиз, — дейди 61-қурилиш бошқармасининг иш юритувчиси Раҳматулла Фафуров биз билан суҳбатда. — Мана бугунги кундаги ишимиз натижаси шунки қўрсатиб турибдики, ҳамкорликда ишлашнинг ҳосияти кўп экан. Биз топширадиган уйлариимиз бошқа уйлари нисбатан анча фарқ қилади. Унинг лойиҳасини тайёрлаган Тошкент қуриқ-танлов институтини мутахассислари шарҳона услубга кўпроқ эътибор берганлар. Шунингдек биз иш жараёнида қуриқ-танлов эгаларининг айрим тақдир ва истакларини ҳам эътиборга олган ҳолда иш юритаётганимиз.

Республикаимизда кейинги пайтларда спортнинг кўпгина турлари, жумладан профессионал бокс ҳам ривожланмоқда. Бинобарин, 17 август кўни Санъат саройида Ўзбекистон, Россия, Беларусь ва қозғистонлик профессионал боксчилар ўртасида нуфузли мусобақанинг ўтказилиши тўғрисидаги хабарни спорт ишчи-қозғистонлик қувончи билан кутиб олишди. Республика Олимпия шон-шўҳрати музейида профессионал боксчи-

миз мутасаддилари иштирокида ўтказилган матбуот конференциясида ҳам бўлуси тижорат мусобақаси, умуман Ўзбекистонда профессионал боксининг бугунги кундаги ҳолати ҳусусида сўз борди.

— Ўзбекистонда 1993 йилда республика спорт қўмитаси билан келишган ҳолда профессионал бокс федерацияси таш-

кил этилган бўлиб, ўтган қисқа мўддат ичида кўпгина амалий ташкилий ишлар амалга оширилди, — деди республика профессионал бокс федерацияси раҳбари, ижтимоий таъминот вазирини Б. Умурақов.

— Энг муҳими, республикаимизда профессионал боксини ривожлантириш юзасидан давлат жисмоний тарбия ва спорт қў-

митаси, профессионал бокс федерацияси, «Камолот» жамғармаси ва ижтимоий таъминот вазирлиги иштирокида мақсадли дастур тузилиб, ишларимиз ҳозир маълум режаларга асосан кетмоқда. Ўзбекистон, Қозғистон, Россия ва Беларусь ўртасида ўтказиладиган «Пан Осиё» бокс ассоциацияси таъсирдорлиги остидаги рейтинг бел-

лашувлари ушбу дастурнинг биринчи босқичидир. Жойларда профессионал бокс клубларини очиб, иктидорларини танлаб олиб уларни ўстириш орқали халқаро майдонга чиқиш, умуман, профессионал бокс орқали спорт ва соғлом турмуш тарзини тарбия қилиш дастурининг кейинги босқичлари бўлади.

Дилшод ИСМОИЛ.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСЧИЛАР КҮЧ СИНАШАДИ



Янги квартира сотиб олдингиз. У жуда шинам, замонавий. Энди албатта, уни замонавий мебеллар билан безатишингизга тўғри келади. Шунинг айтиш керакки, ҳозир ўзимизнинг мебел корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган уй ва ошхона, ётоқхона жиҳозлари хорижикидан асло қолтирмайди.


Шахримиздаги «Сергели» мебел ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамиятида бўлганимизда, у ерда ишлаб чиқарилаётган турли-туман, чиройли ва бежирим, хонадонларимизга кўрқ бахш эта оладиган мебелларни кўриб, тўғриси қувониб кетдик. Ана, ўзимизда ҳам шундай мебеллар ишлаб чиқарса бўлар экан-ку, деган фикр бир зумда ҳаёлимиздан ўтди.

Бунинг замирида қанчадан-қанча фидойи меҳнат ётибди. Айниқса, ўтиш даври қийинчиликлари, муаммоларини тўғри тушуниб ҳал қила олиш, меҳнатга муносабатни ўзгартириш, одамлар эҳтиёжини етарли англай билиш ва шу асосда талабга ҳар томонлама жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга корхонада етарлича эътибор берилмоқда.

Ҳиссдорлик жамияти жамоаси акциялари ҳисобига қўшимча даромадлар олиб, меҳнатга муносабатни ўзгартирдилар.

— Ким ишлашни хоҳласа имконият кидиради, ким хоҳламаса — баҳона қидиради, деган гап жуда топиб айтилган, — дея ўз сўзини бошлади биз билан суҳбатда ҳиссдорлик жамияти бош директори Яков Михайлович Кравченко. — Биз имкон борича янгиликка интиламиз, ҳеч ким ишлаб чиқармайдиган янги маҳсулотлар турларини яратишга ҳаракат қилмаймиз. Лекин ишимизда сифат беш вазифа эканлигини ишчиларимизга доимо ўқитишимиз. Икки-уч марта очилиб-ёпиламасдан эшигини, ойнаси тушиб кетадиган маҳсулотнинг ҳозир ҳеч ким харида қилмайди. Харидорнинг талаби юқори, биз эса бундан ҳам сифатли маҳсулот тайёрлашимизга тўғри келади. Буни таъминлайдиган хом ашё ва материалларни топишда

БОЗОРИ ЧАҚҚОН МЕБЕЛЛАР



асосан маҳаллий имкониятлардан фойдаланамиз. Бунинг аҳамияти жуда катта. Чунки маҳсулот тайёрлаш таннархи анчагина арзон бўлади. Ундан келадиган фойда катта бўлади. Ҳозирда биз маҳсулотларимизни Эронга сотаямиз, бунинг эвазига яхшигина валюта ишлаб олиш имконияти мавжуд. Олинган фойда туфайли эса асосий цехларимиз замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланмоқда, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилмоқда.

Корхона мебелларининг бугунги кунда Қозо-

ғистон, Россия ҳамда кўпгина Ҳамдўстлик давлатларида бозори чаққон. Улар барча хилдаги мебелларни ишлаб чиқариш билан бирга, турларини янгилаб бо-

лар туғилади. — Ягона ишлаб чиқарувчи бўлсанг, — сўзига давом этади бош директор, — рақобатчинг бўлмайди. Бу ҳолни яхши деёлмайман. Ишга ижодий ёндашиш, та-

Саноат

МАЗАСИ ОҒИЗДА ҚОЛАДИ

бўлишиб, музқаймоқни ейишга тушишди.

— Ширинми? — сўрадим болалардан.

— Жудаям, — деди улардан бири.

— Бу ерга тез-тез келасизларми? — сўрадим болалардан. Бола ойсига қаради.

— Ҳа, — дея жавоб берди болаларнинг онаси Мо-

хир Ақбарова. — Бу ерга яқин тураман. Музқаймоқни бўлса факат шу ерда еймиз. Чунки бу ернинг музқаймоғи ширин ва арзон — 25 сўм.

Бу орада беш-ўн киши дўкончадан музқаймоқ олишди. Мен ҳам қатордан қолмай дея музқаймоқ олдим. Ҳақиқатдан ҳам ши-

рин экан. Фарзандларимни худди шу ерга музқаймоқхўрликка олиб келишни кўнглимга тугдим-да сотувчи қизга юзландим.

— Музқаймоқ қаерда ишлаб чиқарилади?

— Шу ерда — «Учрашув» ресторанида, — дея жавоб берди сотувчи Га-

лина Захорюкина.

Шарифа БАҲРОМОВА.

Мисрда фиръавн Хеопс буйруғи билан қурилган энг баланд пирамида икки ярим миллион донга оҳақтош плиталаридан бунёд этилган. Унинг баландлиги 146 метр. Пирамида қурилишида 100 минг одам 40 йил ишлаган. У даврларда тош кесадиған махсус арралар бўлмагани учун қоя-тошлар ўзига хос усуллар билан Нил дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Турск тоғларидан кесиб ушатиб олинган. Бунинг учун аввало тош қояларидаги ёриқларга ёғоч поналар қоқилиб, сув қуйилган. Поналарнинг сувда кўпчиши натижасида оҳақтошлар парчаланиб, қоялардан ажралиб чиққан. Икки-уч тоннали оҳақтошлар бироз силлиқланиб, Нил қирғоғига тортиб келтирилган ва қайиқлар ёрдамида чап қирғоққа олиб ўтилган.

Мабданлар

ТОҒЛАР ҚАҲРИДАГИ ХАЗИНА

Шундай қилиб, оҳақтошлардан қадим замонлардан бери қурилиш хом ашёси сифатида фойдаланиб келинган. Ҳозирги пайтда табиий оҳақтошларга бошқа қўшимчалар, хусусан бўр, доломит майдаланиб, кварц қумлари аралаштирилиди ва бу аралашма махсус қолип-ларга қуйилиб, турли жозибали меъморий деталлар ясалмоқда. Улар ташқи қўрилиш билан оқ чиннига ўхшаган сабаб иморат пештоқларини безашда кўл келмоқда. Чиганок оҳақтошлари ва соф бўр талқонларидан ёш молларнинг суяги қотиши ва ўсиши учун, паррандачиликда тухум қобиғини мустаҳкамлаш учун кальций карбонати сифатида озуқага қўйиш мумкинлиги исботланди.

Қадимда ана шундай оҳақтошларнинг пайдо бўлишига сабаб чиганоклар ҳозирги кунда баъзи мамлакатларда бе-зак ва жозоба бўюми сифатида ишлатилади. Ҳозирда Мальдив архипелаги қоялари ва ороллари чиганокнинг қўлиги ва ҳар хиллиги билан ер юзиде етакчи ўринлардан бирида туради. Шунинг учун ҳам бу ерда чиганокларни тўлаш ва улар билан савдо қилиш авж олган. Денгизнинг қуруқликка кириб борган қисмидаги моллюскалар чиға-

ноқларини йиғиш ва уларга ишлов бериш билан аёллар шугулланадилар. Аёллар кўпинча қирғоқ яқинида тўда бўлиб яшовчи маржонларни, океан ва денгиз сувининг орқада чекинган вақтида тўла очилиб қолганлигидан фойдаланиб тўплайдилар.

Мальдивнинг марказий қирғоқларида кичкинагина чиганокдан тортиб, кўндалангига бир ярим метр келадиган ажойиб турлари ҳам топилиб туради. Шунинг учун ҳам уларнинг баҳолари рангига, чиганокнинг яхши сақланганига қараб белгиланади. Улар мутахассисларга тоғ жинслари қатламларининг нисбий ёшларини аниқлашга ёрдам беради.

Мармарлар — оҳақтошларнинг ер бағрида юқори босим ва ҳарорат таъсирида сиклишидан пайдо бўлган табиий маҳсулотдир. Улар қадим-қадимдан қурилиш хом ашёси ҳисобланган. Мармарлар ўз таркибиде аралашма сифатида темир, марганец ва органик моддаларни сақлашга кўра оқ, пушти, қулранг, яшил ва бошқа тусларда учрайди. Улар нисбатан осон силлиқланиш ва турли рангларда жилваланиш туфайли қурилишда, ҳайкалтарошлиқда кенг қўлланилади.

Ўзбекистон мармарларнинг турли хил-ларига ҳам бой макондир. Уларнинг улкан захиралари Курама, Чотқол, Зирабулоқ, Зарафшон ва Нурота тоғларида аниқланган ҳамда халқ ҳўжалиғида ишлатилмоқда. Булар ичиде Нурота тоғларидаги Фозгоннинг рангдор ва сержилло мармари дунёга донг таратган. Ер юзиде унинг тенги йўқ деса бўлади.

Норкул ЭШНАЗАРОВ,
геология-минералогия фанлари номзоди.

Ўзбекистон Давлат санъати музейи фондида ўзбек дўппиларидан юзга яқин хили сақланмоқда. Улар музей илмий ходимлари томонидан Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент каби вилоятларга уюштирилган экспедицияларда тўпланган эди.

Дўппиларга назар ташласак: гилам, ирок, зардузи, попоп, чамандагул, чуст, фарғона, марғилон дўппиларининг тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Улар айлана, тўрт-бурчак шаклида тикилган бўлиб, қай бирига пилта қозғоқ урилган, қай бирига кейинги пайтларга келиб қалин картон қозғоқлар қўйиш одат тусига кирган. Дўппиларнинг баъзи бир турларига қозғоқ деган нарса мултоқ қўйилмайдди. Ҳар бир дўппини астар-аврари, бир хил усулда илгичка игна, нозик игларида худди кўрпа, кўрпача қавигандек, майда ва зич тикиб чиқилиши кишини хайратга соладики, бу оғир меҳнат чевардан ўткир дид-фаросат, сабр-тоқат талаб этади.

Дўппиларнинг қай тури бўлсин, бир ном билан ўзбек дўпписи деб аталади. Ҳар бир жойнинг дўпписи бор. Ўша жой шариити, табиатиға мос ва хос тикилган. Гул, безаклари эса айнан ўша халқ ҳаётидан, урф-одатларидан ҳикоя қилади. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари дўппилари тикилиши бир хилдек туюлсада шаклан, гуллари-нинг жойлашуви, ранглар-и жиҳатидан фарқ қилади. Қашқадарё дўпписи ироқи-тўқима, Самарқанд дўппиларида тоғ гуллари кўп учраса, Қашқадарё дўпписиде дашт, қўл, дала гуллари кўрамай. Ҳамма дўппилар осмон нусха дўппилар Фарғона водийсидеги маълум бўлиб, кенг, мўл, ичи чуқурлиги, сифатлиги билан ажралиб туради. Мар-

зардузлик санъати тараққий этгани учун зар дўппилар кийиш одат тусига кирган. Бу дўппилар айланма, айримлари тўрт бурчак

Қадриятларимиз

ҲАМИША АЗИЗ ТУТАМИЗ

шаклида бўлиб, букланмайдди. Ораларига хитой қозғоқи қўйиб тикилгани учун зар тўнларга ўхшаб бўртиб, кўзни қамаштиради. Шуниси қизиқки, ўзбек дўппиларининг қадимий турларида, албатта кокил тикилган. Бундай дўппиларни кўпроқ болалар кийишган. Айрим дўппилар Қушон давридан дарақ берувчи бўлиб, тепаси чўққайма бўлган. Афросиёб дўппилари ҳам қадимда худди шундай шаклда тикилар экан.

XIX-XX асрларга келиб Тошкент ва Фарғона водийси дўппиларини фарқлаш қийин бўлиб қолди. Марғилон, чуст, фарғонача нусхали дўппилар севиб кийиладиган бўлди. Бу дўппиларни сир эмаски, тошкентликлар тикишган, Фарғонада эса ўша ерлик чеварлар шу нусхада тайёрлашган. Фақат бодом нусха дўппилар Фарғона водийсидеги маълум бўлиб, кенг, мўл, ичи чуқурлиги, сифатлиги билан ажралиб туради. Мар-

ғилон нусхаси эса Янги ой — ҳилолни эслатади. Бу нусхани тошкентликлар «қалампир нусха» деб ҳам аташади.

Тошкент дўппиларининг тури анча кўп. Пойтахтимизда дўппи қарийб икки минг йил муқаддам қашф этилганлиги археологик топилмалардан маълум бўлаётди. Ҳозирги мато, бахмал, тўр дўппилар ибтидоий ҳисобланади. Гул тикилган дўппилар тури кейинроқ пайдо бўлган. Тошкент табиати қадимдан бош кийим кийиб юришни тақозо этар экан. Агар бош кийим қийилмас экан, ё шамоллаб, ёки чилламан, лолқизғалдоқ офтобимиз уриши ҳоллари кўп бўлиб турар экан.

Санъат мўъжизиде сақланган Тошкент дўппилариға эътибор берайлик. Дўппилар эркак ва аёлларга хос қўрилишда тикилибди. Болалар дўппиларида қалампирмунчоқ, кўзмончоқ каби гиеҳлар билан тумор, уқки патигача қўриш мумкин. Айниқса, уқки қўшининг пати болани турли хил касаллиқдан сақлар экан. Қалампирмунчоқ, тумор ичидеги хушбўй ўт, кўзмончоқлар, қузиқшидан асраб, ноҳуш хиллардан тозаллаб, болани соғлом олиб юраркан. Тошкентлик чеварларнинг «чаманда гул», «қурвақа нусха», «ироқи нусха» ва нихоят ошиқ-маъшуклар рамзи ҳисобланмиш «Тоҳир ва Зухра» деб аталган дўппилари бор.

Дўппи кийиш, урф-одат, табиёт билан узвий боғлиқлигини кўплар билса, балки кўплар билмас. Ўзбек дўпписи хонадон қўрқис, саломатлик, қўт-баракат рамзи ўрнида қадрлана келинган. Энг муҳими, дўппи инсон азизлигини намойиш этиб, ҳамиша бошда бўлади.

Маҳмуд РАМАЗОН ўғли.

Мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. Мамлакатимизга бўлган қизиқиш бутун дунё бўйлаб тобора ортиб бормоқда. Буни биз она юртимизга таширф буюраётган хорижлик меҳмонларнинг дил сўзларидан ҳам билсак бўлади...

Куни кеча Дания университетининг бир гуруҳ талабалари она диёримизга келишди. Биз улар билан мулоқотда бўлдик.

— Диёримизга хуш келиб-сизлар! Мумкин бўлса, ўзларингизни таништирсангизлар.

— Менинг исмим Питхс Оргивс. Мен Дания университетининг антропология факультетиде таҳсил оламан. Марказий Осиёде мана шу соҳада иш олиб боришга жуда ҳам қизиқаман. Она диёрингизнинг тарихи бизни жуда қизиқтиради. Чунки, бундай бой тарихга эга бўлган халқлар дунёде жуда кам. Мен аввалдан Марказий Осиёде бўлишни орзу қилар эдим. Данияда эканлигимда мамлакатингиз, унинг тарихи ҳақида кўп адабиётлар ўқиганман, лекин, минг мартаба эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал экан. Ўйлайманки, бу ерда ўтадиган кунларимиз қизиқарли ва сермазмун бўлади.

— Ўзбекистондаги қайси тарихий обидалар ва қайси тарихий шаҳарлар сизларни кўпроқ қизиқтиради?

— Мен асосан Хива, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари билан қизиқаман. Бу шаҳарлар ЮНЕСКОнинг музей-шаҳарлар рўйхатиға киритилган.

Суҳбатимизга яна бир даниялик талаба қиз ҳам келиб қўшилди. У ўзини таништириб, бундай деди:

— Менинг исмим Сюзанна, фамилиям Нельсон. Мен ҳам Данияданман, ёшим 22 да. Дания университетининг антропология факультетиде дугонам билан бирга таҳсил-оламан. Мазкур факультетда бир йил таҳсил олдим. Ўқийман давомиде Марказий Осиёни, аниққса Ўзбекистонни диққат билан ўргандим. Дарсликларимизда Марказий Осиёдеги тарихий обидаларнинг тасвирлари бор.

Уларни кўриб, бу гўзал диёрга албатта таширф буюриш керак экан, деган фикр туғилади кишида. Кейинчалик мен антропология бўйича Марказий Осиёни ўрганишға ихтисослашмоқчиман.

Албатта, бирор халқнинг

Биз ва жаҳон

ЮРТИНГИЗ МАФТУНИМИЗ

урф-одатлари, анъаналари, тарихий обидаларини яхши билиш учун шу халқнинг тилини ҳам билиш фойдадан холи эмас. Шунинг учун мен бажонидил ўзбек тилини ўрганишға киришаман. Дастлабки таассуротларим жуда яхши бўлди. Ўзбеклар жуда кўнгли очик, меҳмондўст халқ экан.

— Она диёримиз иқтисодиёти ва юртимиз ҳақида нималар дея olasiz?

